ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри — Нөкис қаласы

№395 «20» декабрь 2019 ж.й

“E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини (0,01 га майдонга) сотишнинг 2019 йил IV чораги учун бошланғич баҳосини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги “Ер участкаларини бериш ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 63-сонли қарори билан тасдиқланган “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 27-банди ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва Нукус шаҳарида “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида аукционга чиқариш учун ер участкаларининг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳарлар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини (0,01 га майдонга) сотишнинг 2019 йил IV чораги даври учун бошланғич баҳосини аниқлаш нархлари ва коэффициентлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги ШЕ/03-02/2423-сонли, Давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 9 ноябрдаги 15-08630-сонли ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2019 йил 4 ноябрдаги 1116-сонли таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳар бир туман ва шаҳар бўйича ер участкаларининг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида аукционга чиқариладиган якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини (0,01 га майдонга) сотишнинг 2019 йил IV чораги учун бошланғич баҳоси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликларига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сотишнинг бошланғич нархини ҳисоблашда мазкур қарор иловаси билан тасдиқланган баҳолар асосида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукционга чиқариш учун ер участкаларининг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб ҳар бир туман (шаҳар) бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг (0,01 га майдонга) бошланғич баҳосини аниқлаш бўйича таклифларни ҳар чорак бошланишдан 10 кун олдин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясига (Б.Елманов), Ахборот агентлигига (Б.Нурабуллаев) Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳар бир туман ва шаҳар бўйича ер участкаларининг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукционга чиқариладиган якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини (0,01 га майдонга) сотишнинг 2019 йил IV чораги учун бошланғич баҳоси оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўз кучига кириши белгилаб қўйилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ж.Ембергенов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси **Қ.Сариев**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг
2019 йил “20” декабрдаги “395”-сонли қарорига
ИЛОВА

“E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида аукционга чиқариладиган якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини (0,01 га майдонга) сотишнинг 2019 йил IV чораги учун бошланғич баҳоси

№	Туман ва шаҳар	Ҳудудлар	Базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)га нисбатан бараварда	0,01 гектар ер участкасининг бошланғич нархи (сўмда)*	0,04 гектар ер участкасининг бошланғич нархи (сўмда)*	Ер участкасини ажратиш бўйича иш	
						БҲМга нисбатан (фоизда)	Миқдори (сўмда)*
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Нукус шахри	Шаҳар ҳудудида	6	1 338 000	5 352 000	125%	278 750
2	Амударё тумани	Туман маркази	5	1 115 000	4 460 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1,5	334 500	1 338 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	1	223 000	892 000	125%	278 750
3	Беруний тумани	Туман маркази	5	1 115 000	4 460 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	2	446 000	1 784 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	1	223 000	892 000	125%	278 750
4	Бўзатов тумани	Туман маркази	1,5	334 500	1 338 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,3	66 900	267 600	125%	278 750
5	Қораўзак тумани	Туман маркази	3	669 000	2 676 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278 750
6	Кегейли тумани	Туман маркази	3	669 000	2 676 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1,5	334 500	1 338 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278750

№	Туман ва шаҳар	Ҳудудлар	Базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)га нисбатан бараварда	0,01 гектар ер участкасининг бошланғич нархи (сўмда)*	0,04 гектар ер участкасининг бошланғич нархи (сўмда)*	Ер участкасини ажратиш бўйича иш	
						БҲМга нисбатан (фоизда)	Миқдори (сўмда)*
1	2	3	4	5	6	7	8
7	Кўнғирот тумани	Туман маркази	4	892 000	3 568 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	2	446 000	1 784 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278 750
8	Конликўл тумани	Туман маркази	3	669 000	2 676 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1,5	334 500	1 338 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278 750
9	Мўйнок тумани	Туман маркази	1,5	334 500	1 338 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,3	66 900	267 600	125%	278 750
10	Нукус тумани	Туман маркази	4	892 000	3 568 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278 750
11	Тахтакўпир тумани	Туман маркази	3	669 000	2 676 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278 750
12	Тўрткўл тумани	Туман маркази	5	1 115 000	4 460 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	2	446 000	1 784 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	1	223 000	892 000	125%	278 750
13	Тахиатош тумани	Туман маркази	4	892 000	3 568 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278 750
14	Хўжайли тумани	Туман маркази	4	892 000	3 568 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278 750

№	Туман ва шаҳар	Ҳудудлар	Базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)га нисбатан бараварда	0,01 гектар ер участкасининг бошланғич нархи (сўмда)*	0,04 гектар ер участкасининг бошланғич нархи (сўмда)*	Ер участкасини ажратиш бўйича иш	
						БҲМга нисбатан (фоизда)	Миқдори (сўмда)*
1	2	3	4	5	6	7	8
15	Чимбой тумани	Туман маркази	4	892 000	3 568 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,5	111 500	446 000	125%	278 750
16	Шуманай тумани	Туман маркази	3	669 000	2 676 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	1	223 000	892 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	0,3	66 900	267 600	125%	278 750
17	Элликкалъа тумани	Туман маркази	5	1 115 000	4 460 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларида	2	446 000	1 784 000	125%	278 750
		Ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг ташқарисида	1	223 000	892 000	125%	278 750

Изоҳ:

* Қонун ҳужжатларига мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдори ўзгарганда жадвалнинг 5, 6 ва 8-устинидаги миқдорлар унга мутаносиб равишда ўзгаради.

** “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 26 ва 27-бандларида Давлат корхонаси филиалининг чегара бурилиши нуқталари координаталари ҳамда бурилиш нуқталари ўртасидаги чегара чизиғи узунлигини кўрсатган ҳолда ер участкаси режасини тузиш, чегарадош ерлар чегараларини тавсифлаш ҳамда ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилаш бўйича ишлари қиймати қўшган ҳолда белгиланиши ва бу қиймат Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори иловасидаги Кадастр ишини тайёрлаш ва кўчмас мулк объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилаш тартибига асосан ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлмаганда якка тартибда уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер участкаларига кадастр ишини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш нархидан келиб чиқиб белгиланиши назарда тутилган.